

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУДИЯРОВА КУТЛЫГУЛ КАРАМАДДИНОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХОМАШЁЛАРИ АСОСИДА ШИША ИДИШ
ОЛИШ ҲАМДА ШИША ОМИХТАСИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.15-Силикат ва қийин эрийдиган нометалл
материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2023

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD)
on technical sciences**

Кудиярова Кутлыгул Карамаддиновна

Қорақалпоғистон хомашёлари асосида шиша идиш олиш ҳамда шиша омихтаси тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.....5

Кудиярова Кутлыгул Карамаддиновна

Стеклотара на основе сырьевых ресурсов Каракалпакстана и усовершенствование узла подготовки стекольной шихты.....21

Kudyarova Kutlygul Karamaddinovna

Glass containers based on the raw materials of Karakalpakstan and improvement of the glass batch preparation unit.....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУДИЯРОВА КУТЛЫГУЛ КАРАМАДДИНОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХОМАШЁЛАРИ АСОСИДА ШИША ИДИШ
ОЛИШ ҲАМДА ШИША ОМИХТАСИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.15-Силикат ва қийин эрийдиган нометалл
материаллар технологияси**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Т1063 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч Давлат Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tkti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталига (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабаев Забибулла Камилович
Фан доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Бабаханова Зебо Абдуллаевна
техника фанлари доктори, профессор

Талипов Нигматулла Хамидович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тошкент архитектура қурилиш
Университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати йил 2023 йил «___» _____ куни тарқатилган.
(2023 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

С.М.Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Кадиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

М.Х. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида шиша ишлаб чиқариш иқтисодийда етакчи ўринни эгаллайди. Халқ хўжалигининг қатор тармоқларининг ривожланиши шиша ишлаб чиқариш ва сифати, шунингдек, унинг таннархи билан узвий боғлиқдир. Шишанинг бу позицияси, биринчи навбатда, ишлатиладиган хом ашё сифати ва мавжудлиги, энергия ва ресурсларни тежаш омиллари, шунингдек, ишлаб чиқариш технологиясининг мукамаллиги билан белгиланади. Бунда, хом ашё сифати ва уларнинг комплекслиги ҳар доим етакчи ўринни эгаллайди ва шунинг учун комплекс характердаги юқори сифатли хом ашёнинг янги конларини излаш доимо долзарбдир. Шунингдек, сўнгги пайтларда транспорт харажатларининг ошиши сабабли хом ашёни ташиш масалалари жуда долзарб бўлиб қолди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, комплекс характерга эга маҳаллий минерал хомашё асосида шиша ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳоннинг маҳаллий хомашёларнинг янги конларини жалб қилган ҳолда шиша технологиясини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, сифатли хомашёлардан фойдаланиш, улдарнинг таннархини ва технологик операциялар харажатларини камайтириш билан нуқсонлар ва ишлаб чиқариш йўқотишларини бартараф этиш, шиша омехтасининг ресурс-энергия тежовчи компоненти бўлиб хизмат қилувчи комплекс характердаги маҳаллий хомашёни ўзлаштириш, шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда комплекс характерга эга маҳаллий минерал хомашё асосида шиша ишлаб чиқариш тармоғини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда инновацион технологияларни жорий этиш, маҳсулот ҳажми ва сифатини ошириш, олинган реагентларни қўллашга алоҳида эътибор берилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш ва маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлашга асосланган юқори қўшимча қийматга эга технологияларни жорий этиш, маҳаллий маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, кварц қумининг янги захираларини ўзлаштириш, турли мақсадлар фойдаланиш имкониятларини берувчи шишалар ишлаб чиқариш учун хом ашёни жалб қилиш, шиша ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 18 январдаги ПФ-2731-сонли «2017-2021-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

йилларда Орол бўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури», 2022 йил 31 августдаги ПҚ-4335-сонли «Тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал ривожлантириш орқали Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси фаровонлигини оширишга доир кўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг етакчи олимлари, жумладан М. Dehler, S.Jung, W. Dusdorf, M.Kovaces, M.A.Hampton, Н.М. Бобкова, Н.И. Минько, П.Д. Саркисов, М.В. Артамонова, М.Ю., Гулоян, Р. Г. Мелконян, А.А. Аппен, О. В. Казьмина, В. И. Верещагин, К. Ю. Субботин, В.Е. Манеевич, В.И. Киян, Н.Ф. Жернова, Н.А. Ковальченко, А.А. Исматов, Н.А. Сражиддинов, С.С. Касимова, А. Иркаходжаева, М.Х. Арипова, М.Ю. Юнусов, К.З. Бабаев ва бошқалар томонидан диссертация ишида кўрилган масалалар йўналишида илмий изланишлар олиб борилган ва давом этмоқда.

Олиб борилган изланишлар натижасида хорижий илмий-тадқиқот муассасаларида бу борада қатор ютуқларга эришилган, кварц ва дала шпати хомашёсини бойитиш технологиялари, улар асосида янги шиша композициялари, шиша маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини шакллантириш қонуниятлари ишлаб чиқилган, асосий ишлаб чиқариш параметрлари аниқланган ва паст сифатли ноорганик хомашёни бойитишнинг самарали технологияларини жорий этиш бўйича замонавий физик-кимёвий тадқиқотлар қўлланилган, саноат чиқиндиларини қайта ишлаб фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар даражасига етказиш имкониятига етказилган, аммо муаммонинг бир қатор ўрганилмаган жиҳатлари ҳам мавжуд.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда шиша олиш хомашё базасини кенгайтириш соҳасида кварц дала шпати хомашёсини бойитиш технологияси етарлича ишлаб чиқилмаган. Республикамизда улар асосида нафакат шиша идишлар олиш балки бошқа шиша турлари учун ҳамдолзарб ҳисобланади. Шунингдек, шиша заводлари атрофидаги экологик вазиятни яхшилаш, шиша омиктасини тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш орқали энергия ва ресурс харажатларини камайитириш масалаларига ҳам кам эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида, мазкур диссертация иши маълум даражада юқоридаги масалаларни ечишга бағишланган илмий тадқиқотдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 11/2021 - сонли «Минерал хомашёлар ва саноат чиқиндилари асосида халқ хўжалиги маҳсулотларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикаси кварц-дала шпати

қумлари асосида шиша идишлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва шиша омехтасини тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистон Республикаси Қизилтўй кони кварц-дала шпати қумлари ва Қизилсой кони дала шпатининг кимёвий, минералогик ва гранулометриқ таркибини ўрганиш ва шиша ишлаб чиқаришда қўлланилишини асослаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Қизилтўй кони кварц-дала шпати қумлари ва Қизилсой кони дала шпатларини бойитиш бўйича оптимал технологик кўрсаткичлар ва техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш;

самарали тиниқлаштирувчи ва рангсизлантирувчи воситаларни қўллаш орқали юқори сифатли шиша массаси олишнинг илмий-технологик асосларини ҳамда дастлабки омехтани тайёрлаш усулларини ишлаб чиқиш;

шаффоф, ярим шаффоф ва рангли шишалар таркибларини ишлаб чиқиш ва лаборатория ва саноат намуналарини олиш, шиша идишларини олиш технологиясини саноат синовидан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Қизилтўй кони кварц-дала шпати қумлари ва Қизилсой кони дала шпатлари, ярим оқ ва рангли шишалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кварц-дала шпати қумлари хомашё аралашмасида кечадиган шиша ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш, саноат синовларини ўтказиш орқали хомашё аралашмасининг физик-кимёвий, физик-механик ва технологик хусусиятлари ва оптимал таркиб ва технологик режимларни аниқлаш танлаб олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кимёвий, рентген фаза, дифференциал-термик, ИҚ-спектроскопик, электрон микроскопик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қизилтўй кварц-дала шпати қумлари ва Қизилсой конлари дала шпатларининг кимёвий, минералогик ва гранулометриқ таркиби аниқланган;

оксалат кислотаси билан Қизилтўй конининг кварц-дала шпати қумлари таркибини SiO_2 билан - тах 97 %-гача бойитиш, Fe_2O_3 - миқдорини $\text{min } 0,025 \%$ гача камайтирши қонуниятлари асосланган;

Қизилтўй конининг бойитилган кварц-дала шпати қумлари бурчакли ва ўлчамлари 0,10-0,45 мм чегарасидаги бурчакли юмалоқ дон шаклига эга α -кварц эканлиги исботланган;

натрий сульфат-хлорид тузларининг церий оксиди билан очартириш таъсири аниқланиб, шиша массасининг сифат кўрсаткичлари бўйича 1,0 : 0,2 мақбул нисбатларда ёруғлик ўтказиш коэффициентини спектрнинг 86 % гача кўриниши исботланган;

Қорақалпоғистон Республикаси кварц-дала шпати қумлари асосида шиша идишлар олиш технологиясини ишлаб чиқилган ва шиша омехтасини тайёрлаш технологияси грануляция усулини қўллаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагиларда ўз аксини топган:

Қорақалпоғистон Республикаси Қизилтўй кони кварц-дала шпати қумлари ва Қизилсой кони дала шпати асосида юқори сифатли кварц қумлари ва дала

шпати концентратлари олиш технологияси ишлаб чиқилган;

маҳаллий комплекс хомашёлардан фойдаланиш орқали шиша пиширишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

маҳаллий минерал хомашё асосида шиша идиш олиш учун омихта таркиблари ва технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги лаборатория ва саноат тадқиқотларнинг муаллиф томонидан замонавий физик-кимё таҳлил усуллари, ҳамда шаффоф, ярим шаффоф ва рангли шишалар олиш учун маҳаллий хомашё – Қизилтўй конининг кварц-дала шпати куми ва Қизилсой конининг дала шпати аралашмалари таркибларини тайёрлашда замонавий компьютер ва дастурларни қўллаган ҳолда бажарилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шаффоф, ярим шаффоф ва рангли шишалар олиш учун маҳаллий хомашё - Қизилтўй конининг кварц-дала шпати куми ва Қизилсой конининг дала шпатидан омихта ҳосил бўлишининг қонуниятлари асосланганлиги, шиша ҳосил бўлишида кечадиган фаза ва структура ҳосил бўлиш жараёнлари, мустаҳкамлигининг шаклланишига оид қарашлар кенгайтирилган ва ривожлантирилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шиша ишлаб чиқаришда омихта компонентларининг учувчанлик сабаб йўқотишларини камайтириш, асосий хом ашёни тежаш, шиша пишириш печининг ишлаш муддатини ошириш, шиша сифатини яхшилаш ва шиша идишларининг тан нархини камайтириш орқали шиша ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дала шпати кварц кумлари ва дала шпатларидан шиша идишлар композицияларини чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қизилтўй конининг бойитилган кварц-дала шпати кумлари асосида консервалаш идишларни учун БК маркали ярим оқ шиша ишлаб чиқариш технологияси «Турткул шиша идишлари» МЧЖнинг «2022-2025 йилларда ташкил қилинадиган истиқболли ишлаб чиқаришлар режаси»га киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 22 сентябрдаги №04-04/7-09/2082-сон маълумотномаси). Натижада паст ҳароратларда 30-50 °С, тан нархи 6 - 10 % га арзон, консервалаш шаффоф идишлари учун шиша ишлаб чиқариш имконини берган;

Қизилсой конининг дала шпатидан яшил рангли шиша идишлар ишлаб чиқариш технологияси «Турткул шиша идишлари» МЧЖнинг «2022-2025 йилларда ташкил қилинадиган истиқболли ишлаб чиқаришлар режаси»га киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 22 сентябрдаги №04-04/7-09/2082-сон маълумотномаси). Натижада шиша саноати хомашё базасини кенгайтириш ва мамлакатимизда шиша ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий

анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан 5 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган бўлиб, 127 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробация ва натижаларнинг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **«Шиша идишлар ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва шиша ишлаб чиқаришда минерал хом ашёлардан фойдаланиш хусусиятлари»** номли **биринчи бобида** мавзуга оид адабиётлар шарҳи берилган. Ҳозирги ҳолати, ноорганик ва техноген материаллардан фойдаланишни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари, уларни бойитиш усуллари ва шиша ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда хомашё базасини кенгайтириш ва шиша саноатини ривожлантириш ҳолати ва истиқболлари таҳлил қилинди.

Илмий адабиётларни ўрганиш асосида Орол бўйида саноат шиша идишлари ишлаб чиқаришда арзон ва муқобил хомашёдан фойдаланишнинг самарали технологияларини яратиш зарурлиги тўғрисида хулосалар чиқарилди.

Диссертация ишининг **иккинчи бобида** **«Тадқиқот усуллари ва фойдаланиладиган асбоб-ускуналар»** номли **иккинчи бобида** хомашё ва уларнинг хусусиятларини ўрганишнинг асосий усуллари келтирилган.


Бирламчи хом ашё ва шиша идишларнинг физик-кимёвий ва механик хусусиятларини аниқлаш учун кимёвий, рентген фаза, спектроскопик, дифференциал-термик, ИҚ-спектроскопик, петрографик ва электрон-микроскопик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Диссертация ишининг **«Кварц-дала шпати ва дала шпати хомашёсини бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш, улар асосида шишалар олишнинг физик-кимёвий асослари, шиша идишларининг таркиби»** номли **учинчи бобида** дастлабки хом ашё ва техноген ресурсларнинг асосий характеристикалари, улардан фойдаланиш ва бойитиш хусусиятлари ёритилган. 1-жадвалда Қизилтўй конининг дастлабки кварц-дала шпати кумлари намуналарининг кимёвий таркиби келтирилган.

**Қизилтўй конининг дастлабки кварц-дала шпати қумлари
намуналарининг кимёвий таркиби**

№	Оксидлар миқдори, мас.%									Сумма
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	TiO ₂	CaO	MgO	Na ₂ O	K ₂ O	п.п.п.	
1	89,8	2,70	0,30	0,05	3,07	сл.	1,75	0,45	1,84	100,00
2	90,2	2,15	0,28	0,06	3,44	0,44	1,46	0,25	1,18	100,00
3	89,6	2,15	0,30	0,06	2,60	1,19	1,23	0,23	2,64	100,00
4	91,1	1,90	0,50	0,03	3,55	0,64	0,01	0,30	1,97	100,00
5	89,2	2,1	0,71	0,04	3,94	0,64	0,01	0,30	3,06	100,00
6	89,0	2,5	0,67	0,08	4,15	0,64	0,01	0,45	2,5	100,00
7	88,8	3,08	0,38	0,07	5,14	0,37	0,77	0,82	0,57	100,00
8	87,2	2,22	0,67	0,04	6,01	0,35	1,5	0,45	1,56	100,00
9	87,8	3,11	0,72	0,05	5,64	0,37	0,67	0,34	1,38	100,00
10	87,3	2,18	0,78	0,05	6,68	0,34	0,7	0,44	1,57	100,00

Қизилтўй конининг кварц-дала шпати хомашёсининг минералогик таркиби 1-жадвалда, дон таркиби 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Қизилтўй конининг кварц-дала шпати қумининг дастлабки
намуналарининг рентген фазали таҳлили натижалари**


Олинган натижаларга кўра, кварц минерали учун 4,25; 3,77; 3339; 2495; 2127; 1,996 нм, 3,03; 2,567; 2281 нм дала шпатига; диффракция 5,591; 3,569 ва 4484 нм гидрослюда учун характерлидир; 3187; 3,215 нм биотитга хосдир.

Қизилтўй кони қумларининг минералогик таркиби

№	Минераллар	Миқдори
1	Кварц	83,0-85,0
2	Дала шпати	1,0-2,5
3	Кальцит	5,0-6,0
5	Слюда	1,0 дан кам

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, кварц-дала шпати қуми ГОСТ 22557-2019 талабларига жавоб беради, чунки фойдали фракциянинг таркиби (0,1-0,4 мм) 80% дан ортик.

Қумнинг кимёвий таркиби гранулометриқ таркиб бўйича ўрганилди. Элак таҳлили ёрдамида 3 та шартли намуна синфи танланди: 1 - 0,5 мм дан юқори; 2 - 0,4 дан 0,1 мм гача ва 3 - 0,1 мм дан кам бўлган ва SiO₂, Al₂O₃ ва Fe₂O₃ миқдори фракциялар бўйича ўрганилди.





2-расм. Қизилтўй конининг кварц-дала шпати кумининг гранулометрик таркиби

Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Қизилтуй кварс-дала шпати кумининг фраксияларига кўра асосий оксидларнинг таркиби

Кумнинг шартли синфлари	Асосий оксидларнинг миқдори, мас.%		
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃
Дастлабки кум	88,7	1,89	1,06
0,4 мм дан кўп;	80,5	1,64	0,90
0,4 дан 0,1 мм гача	92,5	1,04	0,35
0,1 мм дан кам	82,5	1,53	1,87



а)

б)

3-расм. Қизилсой конининг дала шпатининг рентген фазали таҳлили (а) ва электрон микроскопик тасвири (1800 марта катталаштирилган)

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, асосий оксидларнинг таркиби синфлар бўйича кескин фарқ қилади, тахмин қилинганидек, кумлардаги

**Асосий оксидларни бойитиш босқичлари бўйича кимёвий таҳлил
натижалари**

Намуна	Оксидлар миқдори, %			ГОСТ 22551-2019 бўйича қум маркаси
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	
Дастлабки қум				
№ 1	89,8	2,70	0,30	Мос эмас
№ 2	90,2	2,15	0,28	Мос эмас
№ 4	91,1	1,90	0,50	Мос эмас
№ 10	87,3	2,18	0,78	Мос эмас
Концентрат: синфлашдан кейинги қум				
К-1	90,8	2,50	0,28	Мос эмас
К-2	91,1	2,20	0,25	Мос эмас
К-4	93,4	1,90	0,48	Мос эмас
К-10	88,8	2,98	0,56	Мос эмас
Концентрат: дастлабки қум, синфланган, ювиш ва магнитли сепарацияси билан бойитилган				
К-1	93,5	2,37	0,206	ПС-250 (Al ₂ O ₃ ва Fe ₂ O ₃ миқдори бўйича мос келади)
К-2	92,6	2,23	0,15	ПБ-150-1 ва 2 (Fe ₂ O ₃ миқдори бўйича мос келади)
К-4	96,1	1,80	0,48	ПБ-150- 2 (Al ₂ O ₃ ва SiO ₂ миқдори бўйича мос келади)
К-10	89,2	3,22	0,359	Мос эмас
Дастлабки қум, синфланган, ювиш ва магнитли сепарацияси билан бойитилган, 3 % ли оксалат кислотаси билан флотацияланган				
К-1	93,9	2,37	0,17	ПС-250 (Al ₂ O ₃ ва Fe ₂ O ₃ миқдори бўйича мос келади)
К-2	93,2	2,23	0,12	ПБ-150-1 ва 2 (Fe ₂ O ₃ миқдори бўйича мос келади)
К-4	96,1	1,50	0,20	ПБ-150- 2 (Al ₂ O ₃ ва SiO ₂ миқдори бўйича мос келади)
К-10	92,8	2,89	0,28	Мос эмас
Дастлабки қум, синфланган, ювиш ва магнитли сепарацияси билан бойитилган, 10 % ли оксалат кислотаси билан флотацияланган				
К-1	94,2	2,37	0,15	ПС-250 (Fe ₂ O ₃ миқдори бўйича мос келади)
К-2	94,7	2,23	0,08	Б-100-1 ва 2 (Fe ₂ O ₃ миқдори бўйича мос келади)
К-4	97,0	1,18	0,04	ПБ-150- 2 (барча оксидлар миқдори бўйича мос келади)
К-10	95,0	2,51	0,18	ПС-250 (барча оксидлар миқдори бўйича мос келади)

темир аралашмалари кичик фракцияларда бўлади, бу механик элақларда фракционал ажратишни қўллаш мақсадга мувофиқлиги ҳақида мунозараларга олиб келди, яъни. гравитацион майдонда қуруқ синфлаш, кейин эса элақлардан ўтиш йўли билан.

Қизилтўй конининг кварц-дала шпати қумларининг айрим намуналари

учун асосий оксидларни бойитиш босқичлари бўйича кимёвий таҳлил натижалари №1 (К-1) ва 2 (К-2), №10 (К-10) намуналар учун 4-жадвалда келтирилган.

Қизилтўй конининг кварц-дала шпати қумларининг 3% оксалат ва хлорид кислотадан фойдаланган ҳолда флотацион бойитиш бўйича тадқиқот ўтказилди, натижалари 5-жадвалда келтирилган.


5-жадвал

Кварц-дала шпати қуми ва таркибида асосли оксидлари бўлган бойитилган қум концентратларини бойитиш босқичлари бўйича кимёвий таҳлил натижалари (синфлаш, ювиш ва магнитли сепарация билан бойитиш, 3% ли оксалат кислота ва хлорид кислота билан флотациялаш)

Намуна	Оксидларнинг миқдори, %			ГОСТ 22551-2019* бўйича қум маркаси
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	
Дастлабки қум				
№ 1	89,8	2,70	0,30	Мос эмас
№ 2	90,2	2,15	0,28	Мос эмас
№ 4	91,1	1,90	0,50	Мос эмас
№ 10	87,3	2,18	0,78	Мос эмас
Бойитилган концентрат: дастлабки қум, синфланган, ювиш ва магнитли сепарацияси билан бойитилган, 3 % ли оксалат кислотаси ва хлорид кислотаси билан флотацияланган				
К-1	95,45	3,2	0,15	ПС-250 (барча оксидлар миқдори бўйича мос келади) ПБ-150- 2 (SiO ₂ ва Fe ₂ O ₃ миқдори бўйича мос келади)
К-2	95	2,68	0,08	ПС-250, Т (барча оксидлар миқдори бўйича мос келади) Б-100-2, ПБ-150- 2 (SiO ₂ ва Fe ₂ O ₃ миқдори бўйича мос келади)
К-4	97	1,6	0,025	Б-100-2, ПБ-150- 2, ПС-250, Т (барча оксидлар миқдори бўйича мос келади)
К-10	97	2,01	0,15	ПБ-150-2, ПС-250, Т (барча оксидлар миқдори бўйича мос келади)

**қумнинг маркаси: Б- рангсиз маҳсулотлар учун; ПБ - ярим оқ маҳсулотлар учун; ПС - паст шаффофликдаги маҳсулотлар учун; Т - қуюқ яшил шишадан тайёрланган маҳсулотлар учун.*

Ўтказилган тадқиқотлар Қизилтўй кварц-дала шпати қумини комплекс бойитиш ва ГОСТ 22551-2019 бўйича бойитилган кварц қуми асосида шаффоф шишалар олиш имкониятини кўрсатди.



4-расм. Кварц-дала шпати қумини комплекс бойитишнинг технологик схемаси: 1-қум сақлаш учун бўлинма; 2- электр қувватлагич; 3-конвейер; 4-барабанли элак-бурат; 5-вентилятор; 6-циклон; 7- қум ювиш машинаси; 8 - барабанли қуритгич; 9- электромагнит сепаратор; 10 - флотациялаш машинаси; 11 - сувсизлантирувчи қурилма; 12-элеватор; 13-тайёр маҳсулотнинг бункери

Ишлаб чиқилган тизимга кўра, қум сақлаш бўлинмасидан кварц қуми пневматик ташиш мосламасининг бункерига юкланади ва чўктириш камерасига юборилади ва унда элаклар фракция синфлари бўйича жойлашган бункерлар устига олдиндан жойлаштирилади. 1-бункер остида ўлчами 0,1 мм дан кичик бўлган заррачалар ўтиши учун мос келадиган катакчали элаклар, 2-бункер остида эса ўлчами 0,1 дан 0,4 мм гача бўлган ўлчамдаги заррачалар ўтиши учун мос келадиган катакчали элаклар, 3-бункер остида 0,4 мм дан катта бўлган заррачалар ўтиши учун мос келадиган катакчали элаклар ўрнатилган.

Ҳосил бўлган чанг аспирацион тизими орқали сўрилади ва циклонга юборилади, у ерда марказдан қочма кучлар таъсирида чўктирилади ва майда фракцияларни йиғиш конвейерига юборилади. Кейинчалик, заррача ҳажми 0,1 дан 0,4 мм гача бўлган сараланган қум фракцияси қум ювиш машинасига юборилади, сўнгра қуритиш барабанида 900°C да қуритилади ва электромагнит сепараторга киради, бу ерда электромагнит майдон таъсири остида темир магнит зарралари ажратилади. Тегишли тозалашдан сўнг, ярим тайёр концентрат флотация камераларига киради ва биринчи навбатда 3% оксалат кислотаси, кейин эса хлорид кислотаси билан ишланади. Тегишли тозалашдан сўнг, тайёр маҳсулот элеватор ёрдамида тайёр маҳсулот бункерига юборилади.

Қизилсой конининг дала шпати хам ўрганилди. Ушбу хом ашё минералогик жиҳатдан бир хил, таркибида кварц (5-7%) мавжуд. Габитус жадвал шаклида бўлиб, ўлчамлари 10,10 дан 50,25 микронгача бўлган қисқа призмалар шаклида, тошнинг ранги кулранг-қаймоқранг. Синиш кўрсаткичлари $n_p = 1,528 \pm 0,003$; $n_g = 1,514 \pm 0,003$ ва $\Delta n = 0,014$, дала шпати гуруҳи минераллари учун хосдир. Хом ашёнинг минералогик таркиби 65-67% микроклин, 27-28% албит, 1-2% апатит ва 5-6% кварцдан иборат. Дастлабки намунанинг кимёвий таҳлили хом ашё таркибида қуйидаги оксидлар(масс.%): $SiO_2 - 68,57$; $TiO_2 - 0,01$; $Al_2O_3 - 16,81$; $Fe_2O_3 - 0,07$; $FeO - 0,12$; $MgO - 0,3$; $MnO - 0,01$; $CaO - 0,55$; $Na_2O - 2,92$; $K_2O - 9,98$; $P_2O_5 - 0,15$; ппп-0,51 мавжудлигини кўрсатади:

Тажриба шишаларининг таркибини лойиҳалашда хом ашёнинг кимёвий таркиби ҳисобга олинган. Қизилтўй конидан шаффоф, ярим оқ кварц-дала шпати қумини олиш учун шиша идишлар таркиблари ишлаб чиқилган. Шиша омихтасини тайёрлаш анъанавий умумий технология бўйича амалга оширилди. Тажриба шиша омихталарни пишириш лаборатория шароитида 100 мл сиғимли корундзит тигелларда сilit иситгичлар билан электр печда амалга оширилди. Пишириш ҳарорати 1400 ± 20 °С, максимал ҳароратда ушлаб туриш вақти 40 минут.

Шиша массасининг ишлаб чиқаришга тайёрлигини текшириш «ип» ва «лепешка» синовлари билан аниқланди. «Ип» намунаси шундан иборатки, эритмадан темир таёқ билан ип чиқарилади, шиша массаси тайёр бўлганда, ип силлиқ, порлоқ ва тугунсиз бўлиши керак. Визуал хусусиятлар бўйича шишаларнинг барча таркиблари яхши қайнатилади.

Ишлаб чиқилган тажриба шишаларнинг таркиби 6- ва 7-жадвалларда келтирилган.

6-жадвал

Консерва идиши учун тажриба шишаларнинг таркиби

Компонентлар	Таркиби ва миқдори, масс.%						
	QT-1	QT-2	QT-3	QT-4	QT-5	QT-6	QT-7
Кварц қуми	55,60	55,27	54,94	54,44	53,97	53,52	73,09
Оҳактош	15,55	16,10	16,48	16,87	17,24	17,59	1,33
Дала шпати	9,37	9,60	9,90	10,44	10,95	11,43	5,35
Кальцинир. сода	17,99	17,61	17,26	16,87	16,49	16,14	23,90
Сульфат-хлоридли тузлар	1,49	1,42	1,42	1,38	1,35	1,32	0,37
Доломит							17,0


Караумбет конининг сульфат-хлорид тузларининг асосий хоссалари ўрганилди. Унинг таркибида мирабилит 70,00 - 98,70; гипс - 0,10-3,30; эпсомит - 0,06-2,40; галит ва карбонатлар - 0,20-0,30; сувда эримайдиган минераллар - 0,40-25,00 ва $Fe_2O_3 - 0,003$ миқдорда борлиги аниқланди.

Тажриба шишаларнинг ҳисобланган кимёвий таркиби

Таркиб индекси	Масса миқдори, %							
	SiO ₂	Fe ₂ O ₃	Al ₂ O ₃	CaO	MgO	Na ₂ O	K ₂ O	SO ₃
QT-1	71,10	0,12	2,25	10,25	0,22	13,76	2,04	0,27
QT-2	70,97	0,11	2,29	10,62	0,23	13,48	2,00	0,30
QT-3	70,86	0,11	2,35	10,86	0,23	13,25	2,00	0,34
QT-4	70,73	0,10	2,46	11,12	0,24	12,98	1,97	0,40
QT-5	70,61	0,10	2,56	11,36	0,24	12,71	1,95	0,46
QT-6	70,01	0,10	2,50	11,36	0,24	12,71	1,95	0,46
QT-7	72,1	0,026	2,35	6,60	3,40	14,03	0,89	0,20

Танлаб қазиб олинган табиий шаклдаги ушбу хом ашё шиша ишлаб чиқариш учун мос келиши аниқланди ва натрий сульфат-хлорид тузларининг церий оксиди билан комбинациядаги таъсирини яхшилаши ва уларнинг оптимал миқдори 1,0:0,2 бўлганда шиша массасининг сифат бўлганда спектрнинг кўринадиган ҳудудида шиша ёруғлик ўтказувчанлиги коэффициентини 86% гача оширишни таъминлайди. Композициянинг умумий ҳажми омехтанинг умумий массасининг 3,0 мас.% га тенг. Пишириш шартлари қайтар, пишириш ҳарорати $1400 \pm 20^\circ \text{C}$, максимал ҳароратда сақлаш вақти 40 минут.

5-расмда тегишли композициянинг мавжуд бўлган (а) ва мавжуд бўлмаган (б) шиша намуналарининг электрон микроскопик тасвири кўрсатилган.



5-расм. Тегишли композициянинг мавжуд бўлган (а) ва мавжуд бўлмаган (б) шиша намуналарининг электрон микроскопик тасвири

Расмдан кўриниб турибдики, таркибида тиниқлаштирувчи бўлмаган шиша намуналари тиниқлашмаган шаклда қайнатилган, таркибида композиция мавжуд бўлган шишалар эса тиниқ кўринишга эгадир.

Шунингдек, кам алкогольли маҳсулотларни қуйиш учун яшил шиша идишлардан тайёрланган маҳсулотларнинг композициялари ишлаб чиқилди. Шиша омехтасининг 5 та синов композицияси ишлаб чиқилди, улар қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

**Кам алкогольли ичимликларни тараларга қуйиш учун рангли шишалар
учун ишлаб чиқилган таркиблар**

Компонентлар	Таркиби ва миқдори, (мас.%)				
	QR-1	QR-2	QR-3	QR-4	QR-5
Кварц қуми	57,16	58,16	59,16	60,16	61,16
Кальцийланган сода	20,17	19,97	19,77	19,57	19,37
Сульфат-хлоридли тузлар	1,25	0,95	0,65	0,35	0,05
Дала шпати	20,17	19,97	19,77	19,57	19,37
Охактош	15,55	16,10	16,48	16,87	17,24

Барча шиша композициялар таркибида бўёқ сифатида 0,5% портохром мавжуд.

Диссертация ишининг «**Шиша омехтаси ва шиша идишларини олиш технологиясини такомиллаштириш, саноат апробацияси ва физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш. Жорий этиш натижаларини иқтисодий баҳолаш**» деб номланган **тўртинчи боб**да шиша тарасини олишнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқишда шиша заводларининг ҳолати таҳлил қилиниб, етакчи хорижий компаниялар ва шиша идиш ишлаб чиқарувчиларнинг шиша идиш заводларини жиҳозлаш ютуқлари ҳисобга олинди.

Шунингдек, диссертация жараёнида олинган барча маълумотлар ҳисобга олинди.

Ушбу бобда келтирилган методикага кўра, лаборатория ва ярим саноат шароитида олинган синов шишаларнинг физик-механик ва кимёвий хоссалари ўрганилди, у ГОСТ 5717.1-2014 га кўра Давлатлараро стандарт. «Консерваланган маҳсулотлар учун шиша идишлар. Умумий техник шартлар» ва ГОСТ 32131-2013 га кўра шиша қадоқ. Алкоголли ва алкогольсиз озиқ-овқат маҳсулотлари учун шишалар.

Умумий техник шартлар меъёр ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар шиша идишлар ва бутилкаларнинг сифати, қабул қилиш қоидалари, назорат қилиш усуллари, қадоқлаш, этикеткалаш, ташиш, сақлаш ва ишлатиш шартларига қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

Идиш шишасининг муҳим технологик параметри унинг кристалланиш қобилияти, ёпишқоқлиги ва эстетик хусусиятлари ҳисобланади.

Олинган шишаларнинг физик-механик ва кимёвий, шунингдек технологик хусусиятлари ҳам лаборатория, ҳам ярим саноат шароитида ўрганилди ва юқорида кўрсатилган амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари билан солиштирилди. Шишаларнинг меъёрий ҳужжатлар талабига мувофиқ кўрсатган натижалари таққосланди ҳамда асосий натижалар олинди.


Тажриба шишаларининг физик-механик хоссаларини ўрганиш натижалари 9-жадвалда келтирилган.

Лаборатория ва ярим саноат шароитида синтезланган синов шишаларининг хусусиятларининг физик-механик ва кимёвий хоссалари

Шиша хусусиятларининг номи	Шиша таркиби ва унинг кўрсаткичлари									
	ГОСТ 32131-2013 бўйича талаблар	ТС-QR	QR-4	QR-5	ГОСТ 5717.1-2014 бўйича талаблар	ТС-QT	QT-4	QT-5	QT-6	QT-7
Зичлиги, кг/м ³ (ГОСТ 9553 га кўра)	2540,0	2548,0	2541,0	2550,0	2540,0	2540,0	2545,0	2550,0	2545,0	2550,0
Иссиқлик қаршилиги, иссиқлик даврлари сони.	120	120	120	120	120	120	120	120	120	120
Микроқаттиқлиги, МПа	-	596,0	596,0	593,0	-	593,0	602,0	598,0	602,0	598,0
КЛТР, $\alpha 10^{-7}$, 1/°C, температура оралиғида 20 °C дан 400 °C гача (ГОСТ 10978 га кўра)	92,00	93,00	93,00	96,00	92,00	91,00	94,00	93,00	94,00	93,00
Ёруғлик ўтказувчанлиги, тўлқин узунлиги 400-700 нм, %	80 кам эмас	81,0	81,0	84,0	80 кам эмас	79,0	86,0	85,0	86,0	90,0
Сувга чидамлиги сарф 0,01 моль/дм ³ конц. HCl, см ³ , (ГОСТ 33202 га кўра)	0,20 дан 0,85гача	0,38	0,45	0,38	0,20 дан 0,85 гача	0,56	0,50	0,56	0,50	0,56
CO ₂ газнинг босими остидаги барқарорлик, кПа, (20±1)°C* температурада	230 кам эмас	250	-	235	-	-	245	-	245	-
Гидростатик босимда барқарорлиги, МПа (60 с.)*	0,49 кам эмас	0,51	-	0,54	0,49 кам эмас	-	0,55	-	0,55	-

* - тавсия этилган таркиб билан тажриба синовидан сўнг олинган синовдан ўтган завод намуналари

Шиша идишларнинг олинишининг технологик схемаси ишлаб чиқилган (6-расм).



6-расм. Қорақалпоғистон Республикаси минерал хомашёсидан шиша идишларини олиш технологик схемаси

Шундай қилиб, диссертация ишида олиб борилган изланишлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси минерал хомашёси улардан фойдаланиш мақсадида ўрганилди, бойитиш технологиялари ишлаб чиқилди. Натижада шиша идишлар ишлаб чиқаришда улардан фойдаланиш йўналишлари белгиланди, ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилди ва саноат миқёсида муваффақиятли жорий этилди.

Диссертация иши натижалари ярим саноат синовлари сифатида “Тўрткўл шиша идишлари” МЧЖда синовдан ўтказилди, кварц-дала шпати куми ва дала шпати ёрдамида идиш шишаларини олишнинг ишлаб чиқилган технологияси жорий этилди, хомашёни маҳаллийлаштириш ҳисобига кутилаётган иқтисодий самарадорлик фақат кварц учун. 2022 йилга келиб корхонада қум 2 787 202 779 сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

1. Қизилтўй конидан олинган кварц-дала шпати қумини физик-кимёвий таҳлил қилишда замонавий усулларини комплекс қўллаш, қум таркибида кварцдан ташқари дала шпати, калсит, кремнийли жинсларнинг парчалари, гематит ва лимонит минераллари борлигини кўрсатди.
2. Қизилтўй конининг кварц-дала шпати қумларини комплекс бойитиш технологияси ишлаб чиқилди. Аниқланишича, бойитилган қум концентрати бурчакли ва бурчакли юмалоқ дон шакллариға эға. Бунда SiO_2 миқдори 96,1-97% оралиғида, Fe_2O_3 миқдори эса 0,12 дан 0,025% гача камаяди. Дон ўлчамлари 0,10-0,40 мм (80% дан ортик) оралиғида эканлиги ва ГОСТ 22551-2019 га мос келадиган шаффоф, ярим шаффоф ва рангли шишалар ишлаб чиқариш учун потенциал хом ашё манбаи эканлиги аниқланди.
3. Қораўмбет конининг сульфат-хлорид тузларининг минералогик таркиби ўрганилганда унинг таркибида қуйидаги минераллар борлиги аниқланди: масс %, мирабилит 70,00 - 98,70; гипс - 0,10-3,30; эпсомит - 0,06-2,40; галит ва карбонатлар - 0,20-0,30; сувда эримайдиган минераллар - 0,40-25,00 ва Fe_2O_3 миқдори - 0,003. Ушбу табиий хом ашё шиша ишлаб чиқаришда шиша массасини тиниқлаштириш учун ишлатиш мумкинлиги аниқланди.
4. Шиша омихтасини грануляция усули ёрдамида брикетлаш таклиф қилинди, бунинг учун боғловчи сифатида суюқ шиша эритмаси таклиф қилинди (оптимал миқдор 6-8%).
5. Шаффоф, ярим оқ ва рангли тара шиша ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологик схемаси ишлаб чиқилди. Саноат печларида шиша эритиш учун тавсия этилган режимлар, уларни ишлаб чиқариш учун оптимал ҳароратни аниқланди -1100°C , шунингдек, куйдиришнинг максимал ҳарорат $-525-550^\circ\text{C}$.
6. Диссертация иши натижалари “Тўрткўл шиша идишлари” МЧЖда жорий этилди. Мазкур корхоналарда хомашёни маҳаллийлаштириш ҳисобига кутилаётган иқтисодий самарадорлик 2 миллиард 787 миллион сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc03/30.12.2019.Т.04.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КУДИЯРОВА КУТЛЫГУЛ КАРАМАДДИНОВНА

**СТЕКЛОТАРА НА ОСНОВЕ СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ
КАРАКАЛПАКСТАНА И УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕУЗЛА
ПОДГОТОВКИ СТЕКОЛЬНОЙ ШИХТЫ**

**02.00.15-Технология силикатных и тугоплавких
неметаллических материалов
(технические науки)**

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ

на соискание учёной степени доктора технических наук (PhD)

Тошкент - 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан заномером В2019.2.PhD/T1063

Диссертация выполнена в Ургенчском Государственном университетеи.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz

Научный руководитель: **Бабаев Забибулла Камилович,**
доктор техн. наук (DSc), доцент

Официальные оппоненты: **Бабаханова Зебо Абдуллаевна**
доктор технических наук, профессор

Талипов Нигматулла Хамидович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский архитектурно-строительный**
Университета

Защита диссертации состоится «___» _____ 2023 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № ____, с которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (100011, г. Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2023года.
(протокол рассылки № ___ от _____ 2023года).

С.М. Турабджанов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Х.И. Кадиров
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н. (DSc)

М.Х. Арипова
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В развитых странах мира производство стекла занимает ведущую позицию в экономике. С производством и качеством стекла, а также его себестоимостью неразрывно связано развитие ряда отраслей промышленности. Такая позиция стекла определяется прежде всего качеством и доступностью применяемых сырьевых материалов, факторами энерго-и ресурсосбережения, а также совершенством технологии производства. При этом качество исходных материалов и их комплексность всегда занимает ведущие позиции, в связи с чем всегда является актуальным поиск новых месторождений качественного сырья комплексного характера. Также в последнее время весьма актуальным стал вопрос транспортировки сырья, в связи с подорожанием транспортных расходов. Исходя из вышеизложенного очень востребованным является разработка технологии производства стекла на основе местного минерального сырья комплексного характера.

В мире ведутся научные исследования по развитию стекольной технологии при новом способе использования мировых рудников. Это использование высококачественного сырья, получение брака и производственных потерь при снижении себестоимости производственно-технических операций, использование ресурсо-энергоускоряющих компонентов стекломассы, замена сырья от технологий производства. сложный характер, технология производства и выпуска продукции. особое внимание уделяется трансферу.

В нашей республике на основе местного минерального сырья с комплексными свойствами достигается внедрение инновационных технологий, применение реагентов, внедрение инновационных технологий, использование полученных реагентов и достигаются конкретные результаты. Стратегия развития Нового Узбекистана определяет важные задачи «производства новых видов материалов и внедрения технологий с высокой добавленной стоимостью, основанных на глубокой переработке местного сырья, обеспечении конкурентоспособности местной продукции на внутреннем и внешнем рынках». В связи с этим большое значение имеют разработка новых запасов кварцевого песка, привлечение сырья для производства стекла различного назначения, совершенствование технологий производства стекла.

Указы Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «О новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы», №УП-2731 от 18 января 2017 года «Государственная программа развития Приаралья в 2017-2021 гг.», 2022 г. В определенной степени служит реализации задач, указанных в указе и решениях от 31 августа ПП-4335 «О дополнительных мерах по повышению благосостояния населения Республики Каракалпакстан за счет опережающего развития предпринимательства, инновационных технологий и инфраструктуры» и другие нормативно-правовые документы, связанные с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в

соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII. «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. По направлению вопросов, рассмотренных в диссертационной работе, проведены и продолжаются научные исследования такими авторами как M. Dehler, S. Jung, W. Dusdorf, M. Kovacs, M.A. Hampton, Н.М. Бобкова, Н.И. Минько, П.Д. Саркисов, М.В. Артамонова, М.Ю. Гулоян, Р.Г. Мелконян, А.А. Аппен, О.В. Казьмина, В.И. Верещагин, К. Ю. Субботин, В.Е. Манеевич, В.И. Киян, Н.Ф. Жернова, Н.А. Ковальченко, А.А. Исмаев, Н.А. Сиражиддинов, С.С. Касимова, А. Иркаходжаева, М.Х. Арипова, М.Ю. Юнусов, З.К. Бабаев и другие.

